
Юракларнинг бўлагисан юртим байроғи

Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган куннинг 33 йиллиги муносабати билан Қува туманида ҳам кенг кўламли тарғибот-ташвиқот тадбирлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

Хусусан туман ҳокимлиги биносида байрам муносабати билан сектор раҳбарлари, тумандаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, фаоллар ҳамда ёшлар вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда туман ҳокими Халимжон Умаров сўзга чиқиб йиғилганларни, қолаверса туманимиз аҳолисини байрам билан муборакбод этди.

Туман маданият бўлимнинг иқтидорли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

Байрам шукуҳи тумандаги ҳар бир ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда давом этмоқда

2024-11-18 10:50:59